



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

---

**БУЙРУҚ**

2019 йил “19” Январ № 01-45

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 январдаги 40-сон буйруғи ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2018 йил 5 январдаги 222-хх-сонли топшириғига мувофиқ, Ўзбекистон тарихини ўрганиш ишларини самарали ташкил этишга қаратилган “Йўл харитаси”нинг тегишли бандлар ижросини таъминлаш ҳамда унинг ижроси юзасидан чиқарилган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 январдаги 40-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2018 йил 5 январдаги 222-хх-сонли топшириғига мувофиқ чиқарилган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 январдаги “Ўзбекистон тарихини ўрганиш ишларини самарали ташкил этишга қаратилган “Йўл харитаси” ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 40-сон буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Йўл харитаси”нинг 26.1-бандига мувофиқ, 2019-2020 йилларда Тарих ва фалсафа факультети ҳамда тегишли кафедраларда фан ва таълим интеграциясини ривожлантириш, илмий янгиликларни таълим тизимида киритиш, ҳамкорликда дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратиш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилсин.

**Масъуллар:** Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.Воҳидов, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.Абдуллаев, Тарих ва фалсафа факультети декани в.в.б. З.Қодиров ва кафедралар мудирлари: У.Идиоров, Р.Алимова, У.Абдуллаев

3. “Йўл харитаси”нинг 26.2-бандига мувофиқ, 2019-2020 йилларда иқтидорли ёшларни илм-фанга жалб этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, етакчи мутахассисларнинг илмий маслаҳатлари ва маҳорат дарсларини ташкил қилиш, магистрантлар ва иқтидорли талабалар учун халқаро илмий марказларда амалиёт ўташни йўлга қўйиш бўйича зарурий чоралар кўрилсин.

**Масъуллар:** Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.Абдуллаев, Тарих ва фалсафа факультети декани в.в.б. З.Қодиров ва кафедралар мудирлари: У.Идилов, Р.Алимова, У.Абдуллаев

4. “Йўл харитаси”нинг 26.3-бандига мувофиқ, 2019 йилнинг март-май ойларида “Ёш шарқшунос” кўрик танловини ўтказиш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилсин.

**Масъуллар:** Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.Воҳидов, Тарих ва фалсафа факультети декани в.в.б. З.Қодиров ва кафедралар мудирлари: У.Идилов, Р.Алимова, У.Абдуллаев

**5. Девонхона мудир (Ш.Якубжанова)га:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 январдаги 40-сон буйруғи ҳамда мазкур буйруқ нусхалари ўрнатилган тартибда институт проректорлари, факультетлар деканлари ва тегишли кафедралар мудирларига етказилиши таъминлансин.

6. Ушбу буйруқ ижроси назорати Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.Воҳидов, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.Абдуллаев зиммаларига юклатилсин.

**Ректор**



**А.Маннонов**